

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 41 (1272)

2020 ЙИЛ 15 ОКТЯБРЬ

## “МИКРОКРЕДИТБАНК”: ҲАР БИР ТАДБИРКОР ЭЪТИБОРДА

Бугунги пандемия кўплаб соҳалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, тадбиркорликни яқиндагина бошлаб, банкдан кредит олганлар учун икки карра синовли бўлгани тайин. Бундай оғир аҳволга тушиб қолганлар қандай йўл тутиши лозим? Улар фаолиятларини тиклаб олишлари учун банк қандай қўмак бера олади?



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Микрокредитбанк” томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айнан шу хусусида сўз юритилди. Унда банк раҳбарияти ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни “Микрокредитбанк” АТБ Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Атамуродов очиб, банк томонидан пандемия шариоитида тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаштириш ишлари бир дам тўхтаб қолмаганини, балки тадбиркорларга ўтган йилги нисбатан кўпроқ маблағ ажратилганини таъкидлади.

(Давоми 3-саҳифада)

## ТЕРАН ФИКРЛАШГА ЙЎЛ

Давлатимиз раҳбари “Ўқитувчи ва мураббийлар кўни”га бағишланган тантанали маросимда, “Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчимани, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор”, дея обуна масаласига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганидек, кейинги вақтларда матбуот нашрларига обуна масаласида нотўғри қараш шаклланиб, аҳоли орасида кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Айрим газета ва журналларга обунанинг мажбурий тус олиши кишиларнинг ўз хоҳиши билан ўзлари истаган нашрларга обуна бўла олмасликлари ва кўпроқ интернет тармоқлари орқали янгиликлардан бохабар бўлишларига олиб келди. Энг ёмони, почта тизими обуна бўлган халққа ҳам газеталарни вақтида еткази олмаслиги натижасида обуна масалалари анча сустлашди.



Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда замон билан ҳамнафас бўлиш учун инсон доимий ўз устида ишлаб, изланишда давом этиши зарур. Фикримизча, даврий нашрлар билан танишиш, кузатиб бориш масаласида илгор бўлишимизга катта қўмак беради. Шу боисдан ҳам банкимиз томонидан даврий нашрларга обуна бўлиш яхши йўлга қўйилган. Бу эса ўз билим ва дунё қарашларимизни яна кенгайтиришда катта ёрдам бериб келмоқда.

Тўғри, бугунги кунда ҳар бир нашр ўзининг расмий сайтига эга. Шундай экан, ўқувчи фақат онлайн шакл билан кифояланса бўлмасмикан, деган мулоҳаза кўпчилиқда тўғрилиши табиий. Гап шундаки, расмий сайтлар ўз тартиб-таомилларидан келиб чиқиб, янгилик ҳамда воқеаларни қисқа ва лўнда қилиб узатади, уларнинг тўлиқ тафсилоти билан эса газета орқали танишиш мумкин. Матбуотни ўқиш одамни фикрлашга, кўпроқ мулолаага, китобга йўналтиради, бу эса теран фикрлашга, кенг дунёқараш эгаси бўлишга йўл очади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир соҳанинг ўз ўрни бўлганидек, матбуотнинг ҳам жамиятда ўз ўрни борлигини унутмаслик лозим, назаримизда.

Сабоҳат Хаитқариева  
“Трастбанк” Ахборот хизмати бошлиғи

## ОБУНА – 2021

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,

“Банк ахборотномаси” – “Банковские вести” газеталарининг 2021 йил учун обуна жараёни бошланди. Сизга шуни маълум қиламизки, келгуси йилдан бошлаб, “Банк ахборотномаси” ва “Банковские вести” газеталари ягона бирлашган нашр сифатида чоп этилади. Бу барча ўқувчилар учун ҳам моддий, ҳам маънан манфаатли бўлади. Сиз газетанга обуна бўлиш истасангиз, нашримизнинг расмий сайти – [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин. Ёки “Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” ташкилотининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган куйидаги ташкилотлар билан обунани ташкил этишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва  
Хоразм вилояти

АЖ “Ўзбекистон почтаси” ҳудудий филиалларида  
АЖ “Матбуот тарқатувчи” ҳудудий филиалларида

Бухоро вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Жиззах вилояти

“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Қашқадарё вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Сирдарё вилояти

“Сирдарё матбуот хизмати” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“Тошкент матбуот медиа” – (97-156-22-77)

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Самарқанд вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

“Тошкент жаҳон зиё” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти, Наманган вилояти, Андижон вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

“Сайёр – 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)

Обуна индекси – 102

Обуна бўйича мурожаат учун

Тел.:

(998) 99 837 11 04

71 234 43 18

Факс:

(998) 71-234-43-18.



## ЕТТБнинг ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛАНДИ

Жорий йилнинг 7-8 октябрь кунлари видеоконференция шаклида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши ўтказилди. Тадбирда Банкнинг 71 акциядоридан, шу жумладан, 69 мамлакат, Европа Иттифоқи ва Европа инвестиция банкидан Бошқарувчилар ва Бошқарувчиларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Банк раҳбарияти ва халқаро экспертлар иштирок этди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълум қилган.



## European Bank for Reconstruction and Development

Бу йилдаги йиғилишнинг очилиш маросимида Уэльс шаҳзодаси Чарльз, Буюк Британия Ҳазначилиги Канцлери Р.Сунак, ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси Н.Кальвиньо ва ЕТТБ президентининг вазифасини бажарувчиси Ю.Ригтеринг кутлов нутқи билан сўзга чиқдилар.

Йиллик йиғилиш кун тартибидаги асосий масала ЕТТБ Президентининг сайлови бўлди. Овоз бериш натижаларига кўра Франция Иқтисодиёт, молия ва тикланиш вазирлиги Ҳазначилигининг бош директори Одиль Рено-Бассо 2021-2024 йиллар даври учун ЕТТБнинг янги Президенти этиб сайланди.

Шунингдек, ЕТТБ тарихида биринчи марта Банкнинг олий бошқарув органи – Бошқарувчилар Кенгаши Раисининг ўринбосари этиб Банкнинг Ўзбекистондан Бошқарувчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

– инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзаков сайланди.

Йиғилиш доирасида давра суҳбати ташкил этилиб, унинг давомида глобал ва минтақавий иқтисодиётнинг жорий тенденциялари, COVID-19нинг ЕТТБга аъзо мамлакатлар иқтисодиётига таъсири, Банкнинг унга аъзо мамлакатларни пандемия билан боғлиқ муаммоларни енгиб ўтишда қўллаб-қувватлаш бўйича фаолияти, шунингдек, 2021-2025 йилларга мўлжалланган ЕТТБ капитал қўйилмалари ва фаолияти бўйича Стратегияси муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунларида шунингдек, Банкнинг келгусидаги истиқболларини белгилаб берувчи бир қатор қарорлар, шу жумладан, Ироқ Республикасининг ЕТТБ акциядорлари сафига кўшилиш бўйича буюртманомасини қабул қилиш тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.

2020 йил 12 октябрда Ўзбекистон Миллий банки халқаро миқёсда тан олинган андеррайтер-банклар билан биргаликда 300 миллион долларлик “Ўзмиллий-банк”нинг халқаро облигациялари (евробондлари) дебют чиқарилиши ҳақида эълон қилди. “Road-show” жараёни доирасида, шу кунининг ўзида АҚШ, Швейцария, Германия, Буюк Британия, Россия ва Осиё мамлакатларидан 70 та глобал инвестор иштирокида аудио-конференция форматидаги (Global Investor Call) кўнғироқ бўлиб ўтди.

## “ЎЗМИЛЛИЙБАНК” ЎЗИНИНГ ИЛК ЕВРОБОНДЛАРИНИ ЧИҚАРАДИ

Ушбу тадбир доирасида хорижий инвесторларга жорий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳамда банк секторига олиб борилаётган ислохотларнинг юзасидан маълумот, шунингдек, “Ўзмиллий-банк” томонидан евробондлар чиқарилишининг ҳам банк, ҳам бутун мамлакат учун аҳамияти бўйича тақдимот қилинди.

Тақдимотдан сўнг Молия вазирлиги ва “Ўзмиллийбанк” вакиллари томонидан инвесторларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар берилди. Шунингдек, хорижий потенциал инвесторлар билан яқка тартибда музокаралар ўтказилди.



Кейинги босқичда, “Ўзмиллийбанк” томонидан чиқарилувчи евробондлар нархи аниқланади ҳамда Лондон фонд биржасида бозорнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, сотиш жараёни амалга оширилади.

## МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН ЎҚУВ КУРСЛАРИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш мақсадида банк назорати бўйича Базель кўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлиги ва ликвидлиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлашни янада кенгайтиришни амалга ошириш назарда тутилган.



“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки томонидан ҳам маблағлар етарлиги ва ликвидлик даражасини ошириш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун республикада юзага келган эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда мазкур масалада банк ходимлари

малакасини ошириш мақсадида масофавий вебинар усули қўлланилди.

Яқинда банкнинг Ўқув маркази ва Ҳазначилик департаменти ҳамкорлигида “Марказлаштирилган ресурсларни қайта тақсимлаш бўйича Бош банк ва филиаллар ўртасида ўзаро ҳам-

корлик қилиш тартиби” мавзусида онлайн видеоконференция бўлиб ўтди.

Видеоконференцияни Ҳазначилик департаменти директори Жалил Усманалиев олиб борди. Унда банк филиалларининг бухгалтерия бўлимларининг ходимлари ва мавзуга алоқадор бўлган 97 нафарга яқин ходимлар иштирок этди.

Ташкил этилган вебинарда, кредитлаш фаолияти ва бошқа фаол операцияларни молиялаштириш учун зарур бўлган ликвидлик даражасини сақлаб туриш учун марказлаштирилган ресурсларни филиалларга сотиш масалалари, банкнинг ликвид ҳолати, ресурс базасининг етарлиги, мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда банк ликвидлигини бошқариш, ташкил этиладиган банклараро операциялар бўйича лимитларни белгилаш тартиби, пул бозори операциялари ва валюта курсларининг назорати, жумладан валюта операциялари бўйича ҳисобдорлик ва жавобгарлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Вебинарнинг якунловчи қисми савол-жавоб тарзида ташкил этилиб, унда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга етарлича маълумот олдилар.

## ХОРИЖИЙ КАПИТАЛ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИ ОШДИ



Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, республикада хорижий капитал иштирокида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг сони 1237 тани ташкил этди. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, республикада рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 11,9 мингтани ташкил этиб, улардан 11,3 мингтаси фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 мингтага кўпдир.

Хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида оладиган бўлсак, Хитой – 1757, Туркия – 1464, Корея – 863, АҚШ – 276, Германия – 193 ва бошқалар давлатлар ҳиссасига эса 6776 та ташкилот ва корхоналари тўғри келмоқда.

## “МИКРОКРЕДИТБАНК”: ҲАР БИР ТАДБИРКОР ЭЪТИБОРДА



(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, жорий йилнинг 9 ой давомида барча йўналишларда тадбиркорлик субъектларига 3,5 трлн.сўм кредит ажратилиб, ушбу кўрсаткич (1,4 трлн сўм) ўтган йилга нисбатан 2,1 трлн.сўмга ёки 250,0 фоизга ошганлигини қайд этди. Шунингдек, у бугунги пандемия даврида ўз фаолиятини бошлашга қийналаётган тадбиркорларга банк томонидан ҳар қандай қўмак берилишини, керак бўлса фаолияти учун қўшимча айланма маблағлар ҳам ажратилишини қўшимча қилди. “Бирорта тадбиркорни, яъни мижозимизни ўз ҳолига ташлаб қўймаймиз. Уларга барча ёрдамларни беришга тайёرمىз” деди.

Шундан сўнг Чакана кредитлаш департаменти директори Абдумажид Сафаров тадбиркорликни ривожлантиришда чакана кредитларнинг ўрни ҳамда Кредит фаолиятини ташкил қилиш департаменти директори ўринбосари Ғолибжон Саноев кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда “Микрокредитбанк” томонидан ўтган 9 ой давомида амалга оширилган ишлар ва режалар ҳақида йиғилганларга маълумот берди.

Таъкидландики, банк томонидан ўтган 9 ой давомида фуқароларни банк кредитларидан фойдаланишини соддалаштириш ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш орқали уларни турмуш даражасини ошириш мақсадида бир қанча янги кредит маҳсулотлари ва хизматлар жорий этилиб, амалиётга татбиқ этилган.

Хусусан, жорий йил тўққиз ойи давомида давлат дастурлари асосида ажратилган кредитлар 2019 йил мос даврига

ошишига замин яратди.

Қолаверса, банк томонидан аҳолига бир қатор қулайликлар яратиб келинмоқдаки, буларнинг барчаси мижозларининг сони ортишига хизмат қилмоқда. Хусусан, банкнинг “МКВ Mobile” мобил иловаси орқали мижоз ўз мобил телефони орқали 1 ойдан 3 ой муддатгача фойдаланишни назарда тутувчи онлайн-микроқарз ва электрон тарзда онлайн-истеъмолат кредити хизматининг жорий қилиниши мижозларнинг оврагарчиликсиз кредит олиш имкониятини яратди.

Шунингдек, бунинг узвий давоми сифатида кредитлар ажратишнинг янги Андеррайтинг тизими ишга туширилди. Аввалгидан фарқи кредит ажратилиш босқичи 5 босқичдан 2 тага, ҳужжатлар сони 15 тадан 3 тага, кредитни кўриб чиқиш муддатлари 10 кундан 1 кунга қисқартирилишига эришилди. Ушбу кредит тури бўйича 2873 та мижозга 20,5 млрд. сўм кредит ажратилди.

Жорий йил якунига қадар банк томонидан мижозларга янада қулайликлар яратиш чакана кредитларни ажратиш учун аҳолини қийнаётган савол ва муаммоларини ўрганган ҳолда чакана кредит хизматлари кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, янги масофавий банк хизмат турларини жорий қилиш, ахборот технологияларини қўллаш орқали банк хизматлари ҳамда “модулли” кредитлаш асосида янги кредит турларини фаол жорий қилиш мўлжалланмоқда.

Тадбир сўнгиде журналистлар томонидан берилган саволларга мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Ўз мухбиримиз

нисбатан 101,0 млрд. сўмга, 201,3 млрд.сўмга, истеъмолат кредитлари 74,0 млрд. сўмга, онлайн-микроқарз 76,3 млрд. сўмга ошган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари, Давлат дастурлари асосида 31 557 та жисмоний шахсларга 592,7 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди ҳамда буни ҳисобига 28 мингдан ортиқ юртимиз фуқаролари ўз тадбиркорлигини бошлади. Жумладан, Ҳар бир оила-тадбиркор дастури асосида 513,2 млрд.сўм, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 13,8 млрд.сўм, шунингдек, ҳудудларда банкка бириктирилган маҳаллалардаги кам таъминланган аҳоли яъни темир дафтарга киритилган кредитга эҳтиёжи мавжуд жами 5 830 нафар фуқароларга 59,5 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шунингдек, пандемия даврида аҳолига (жисмоний шахсларга) кредитнинг тўлов мажбуриятларини юмшатиш ва енгиллаштириш мақсадида жами 173 786 нафар қарз олувчиларнинг 377,3 млрд.сўмлик график қарздорликлари 6 ой муддатгача узайтирилди. Бу банк мижозларининг банкка бўлган ишончини



Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида бир қатор давлат дастурлари асосида имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда. Бу борадаги ишлар қай даражада самара берапти? Ажратилаётган кредитлар ҳақиқатда муҳтож оилаларга бериляптими? Шу каби масалалар жорий йил 5 октябрь кун Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича 2019 йил ва 2020 йилнинг биринчи ярмида Фарғона вилоятида амалга оширилган ишлар бўйича бўлиб ўтган йиғилишда муҳокама этилди. Унда мутасадди вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги раҳбарларининг ахборотлари эшитилди, дейилади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати хабарига.

## ДАСТУР ИЖРОСИ ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНАЯПТИМИ?



Қайд этилишича, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлар бўйича 2019 йилда Фарғона вилоятида фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан 34 309 та лойиҳага 707,7 млрд. сўм имтиёзли кредитлари ажратилган. Улардан 583,7 млрд. сўми “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури, 78,0 млрд. сўми “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури, 16,5 млрд. сўми хунармандчиликни ривожлантиришга ва 29,6 млрд. сўми бошқа дастурларга йўналтирилган. Шунингдек, 20042 та кам таъминланган оила ўрганилиб, 11364 та оиллага тадбиркорликни йўлга қўйиши учун 106,4 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилган.

Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур йўналишдаги кредитлаш “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” ва “Агробанк” АТБлар орқали амалга оширилмоқда.

Мазкур банклар томонидан вилоят бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурига 177 млрд.сўм, “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастурига 20,1 млрд. сўм, хунармандчилик дастурига 49,7 млрд.сўм, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 2,9 млрд.сўм кредитлар ажратилган.

Мажлисда ўрганиш давомида вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги фаолиятида дастур ижроси бўйича бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқлангани таъкидланди. Жумладан, дастур доирасида қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар, аҳоли сони ҳисоби юритилмаганлиги натижасида ажратилган имтиёзли кредитлар орқали ҳақиқатда муҳтожлар оила ва аҳолининг қанчалик ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлангани баҳолаш имконини пасайтиради.

Ажратилган кредитлар мақсадли ишлатилиши ва самарадорлиги мониторинги юритилмаган. Сарфланган маблағларнинг натижадорлигини аниқлаш ишлари тизими йўлга қўйилмаган. Бу эса келгусида кредитларни ажратиш йўналишларини белгилаб олиш стратегиялари ишлаб чиқишга ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Дастур координатори сифатида Молия ва Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги қарори билан юклатилган вазифалар ижросига етарли эътибор берилмаган.

Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Охунжон ХУШВАҚТОВ тайёрлади

## БИРЖА ХАБАРЛАРИ

## БИРЖА САВДОЛАРИДА ШАКАР НАРХИ ПАСАЙДИ

Ўтган ҳафта давомида, яъни 5 октябрь – 11 октябрь кунлари “Ўзбекистон Республика товар-хонашёр биржаси” АЖнинг барча савдо платформаларида 1 198,0 млрд сўмлик товарлар сотилган бўлиб, бу аввалги ҳафтага нисбатан 21,6% га кўпдир. Бунда сотувларнинг 89,5% - биржа савдолари, 3,0% - кўргазма-ярмарка савдолари, 6,8% - электрон давлат харидлари ва 0,6% - авторақамларнинг онлайн-аукционига тўғри келди. Бу ҳақда “ЎзРТХБ” АЖ PR бўлими маълум қилган.

Ўтган ҳафтада биржа савдоларига 1 210,0 тонна пахта ёғи қўйилди ва улардан 910,0 тоннаси, яъни 80,2% сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 125 та харидор иштирок этди.

Кўриб чиқилаётган даврда барча навли пахта ёғининг кунлик ўртача нархлари маҳсулотнинг бир тоннаси учун 13 879,9 минг сўмдан 13 970,1 минг сўмгача, яъни 0,6% га кўтарилди. Ҳафта якунларига кўра 1-навли пахта ёғининг ҳафталик котировкаси 0,7% га камайиб, маҳсулотни бир тоннаси учун 13 322,5 минг сўмни ташкил этди.

Биржанинг шакар бозорида аввалги ҳафтадаги ўсишдан сўнг пасайиш кузатилмоқда. Ҳафта давомида биржа савдоларига 5 300,0 тонна шакар қўйилди ва улардан барчаси тўлиқ сотилди. Кўриб чиқилаётган даврда шакарнинг барча категорияси бўйича шаклланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 6 908,2 минг сўмдан 6 653,6 минг сўмгача, яъни 3,7% га пасайди. Ўтказилган биржа савдолари натижасида шакарнинг 3-категорияси бўйича шаклланган ўртача ҳафталик нархи маҳсулотни бир тоннаси учун 6 572,7 минг сўмни ташкил этди.

Қурилиш мавсумининг якуний босқичи яқинлашаётганлиги сабабли биржанинг цемент бозорида ҳам пасайиш кузатилмоқда. Ҳафта давомида биржа савдоларига 229 971,0 тонна цемент қўйилди ва улардан 221 506,0 тоннаси, яъни 96,3% сотилди. Ўртача кунлик сотув ҳажмлари 44,3 минг тоннани ташкил қилди.

Кўриб чиқилаётган даврда цементнинг барча марка-



лари бўйича шаклланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 609,5 минг сўмдан 565,5 минг сўмгача, яъни 7,2% га пасайди.

Ўтган ҳафтада биржа савдоларига 30 571,0 тонна АИ-80 маркали автомобиль бензини қўйилди ва улардан 20 240,2 тоннаси, яъни 66,2% сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар куни ўртача 53 харидор иштирок этди.

Кўриб чиқилаётган даврда АИ-80 маркали автомобиль бензиннинг кунлик ўртача нархлари маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 774,5 минг сўмдан 4 872,8 минг сўмгача яъни 2,1% га кўтарилди. Ўтган ҳафтада АИ-80 русумли автомобиль бензиннинг ўртача ҳафталик котировкаси 4 833,8 минг сўмни, АИ-91 – 5 454,9 минг сўмни ташкил этди.

**Б. МЕЙЛИЕВ** тайёрлади

2020 йилнинг 9 октябрь куни “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикасининг суверен кредит рейтингини бўйича навбатдаги ҳисоботини чоп этди.

## ЎЗБЕКИСТОН СУВЕРЕН КРЕДИТ РЕЙТИНГИ БАРҚАРОР



Ҳисоботга кўра, мамлакатимизнинг суверен кредит рейтингини баҳоси ўзгаришсиз ВВ- (барқарор) даражада сақлаб қолинди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, агентлик, жорий йилнинг март ойдан бошлаб 65 фоиздан ортиқ қайта кўриб чиқилган ҳисоботларида рейтинг кўрсаткич баҳоларини пасайтирган.

Мустаҳкам Ҳукумат баланси, мўтадил давлат қарзи даражаси ва ўсиш суръатлари мамлакатимиз суверен кредит рейтингини қўллаб-қувватловчи омиллар сифатида санаб ўтилган. Шу ўринда, институционал ва бошқарув даражаларининг сустиги, юқори инфляция даражаси ва аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) пастлиги республика кредит рейтингини чеқловчи омиллар сифатида келтирилган.

COVID-19 глобал пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси рейтингининг барқарорлиги давлатнинг мустаҳкам ташқи ва фискал захира-ларнинг мавжудлигида, диверсификацияланган товарлар экспорти базасида ҳамда ташқи молиявий манбалардан фойдаланиш имкониятларида акс этади. Олтиннинг юқори нархи экспорт, давлат молияси ва халқаро захира-лар ҳажмига ижобий таъсир этди. Агентликнинг фикрича, мустаҳкам ташқи ва фискал буферлар жорий операциялар ҳисоби дефицити ва ўсиб бораётган давлат қарзи билан боғлиқ хатарларни камайтиради.

Агентлик кутилмаларига кўра, Ўзбекистон бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, 2020 йилдаги иқтисодий таназзуллардан холи бўлади. Ўсиш суръатларининг 2020 йил 1-чорак якунлари бўйича 0,2 фоизга пасайишидан сўнг, ўсиш суръатларнинг 0,5 фоизга етиши кутилмоқда. Шунингдек, фискал чоралар орқали иқтисодиётда истеъмол ва инвестицияларни қўллаб-қувватлашни давом эттириши ва асосий савдо шерикларимиз иқтисодиётининг тикланиши эвазига 2021-2022 йилларда республи-

ликада иқтисодий ўсиш 5-5,5 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизнинг ёш аҳолиси, инвестицияларнинг юқори даражаси ҳамда назорат остида олиб борилаётган тизимли ислохотлар дастури инқироздан кейинги ижобий ўсишга олиб келиши ҳисоботда алоҳида таъкидланган.

Агентлик экспертларининг фикрича, 2017 йилдан бери амалга оширилиб келинаётган ислохотларга Ҳукумат томонидан эътибор катта бўлиб, улар макроиқтисодий барқарорликни яхшилаш, ўсиш истиқболларига эришиш, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш, институционал ва бошқарув соҳасидаги камчиликларни бартараф этишни таъминлайди. Агентлик Ҳукуматнинг 2025 йилгача мўлжалланган банк секторини ислоҳ қилиш стратегияси ва 2020-2021 йилларда давлат корхоналарини хусусийлаштириш режалари ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, агентлик Жаҳон банки бошқарув индикаторларининг улуши суверен кредит рейтинг баҳосида юқориликни айтиб ўтиб, Ўзбекистоннинг мазкур индикаторлардаги ўрни пастлиги ва бу институционал салоҳиятнинг етарли эмаслиги, қонун усутворлигининг нотекис қўлланилиши ва коррупция даражасининг юқорилигидан далолат беришига ургу берди.

Агентликнинг таъкидлашича, Ўзбекистон суверен кредит рейтингини (шу жумладан рейтинг прогнози) қуйидаги ҳолларда оширилиши мумкин:

- макроиқтисодий барқарорликни таъминлаган ҳолда юқори иқтисодий ўсишга эришилганда;

- “қонун устуворлиги”, “аҳоли фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик”, “тартибга солиш сифати” ва “коррупцияни назорат қилиш” каби бошқарув стандартлари сезиларли яхшилانганда;
- давлат молиясининг фискал ва ташқи захиралари сезиларли ошганда.


**Молия вазирлиги**  
**Ахборот хизмати**

## 10,7 МЛРД. ДОЛЛАРЛИК ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА СОТИБ ОЛИНДИ

Жорий йилнинг 9 ойидаги ички валюта бозоридagi ҳолат ва 2020 йил якунига қадар қутилаётган тенденциялар юзасидан Марказий банк қуйидагиларни маълум қилади.

Сўнги икки ой давомида карантин билан боғлиқ чекловларнинг юмшатилиши ҳамда иқтисодий фаолликнинг аста-секинлик билан тикланиб бориши таъсирида ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган талабнинг нисбатан юқори даражада бўлиши кузатилди. Бу асосан карантин шароитларида қондирилмаган талабнинг маълум бир кечикиш орқали юзага чиқиши билан изоҳланади.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ички валюта бозорида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жами 10,7 млрд. долларлик хорижий валюта сотиб олинди. Мазкур даврда ички валюта бозорида хорижий валютадаги умумий тақлиф ҳажми 7,0 млрд. долларни ташкил этиб, қолган 3,7 млрд. долларлик талаб эса Марказий банкнинг интервенциялари ҳисобига тўлик қондирилди.



Ҳисобот даврида ички валюта бозоридаги Марказий банкнинг интервенциялари олтин-валюта захираларининг нейтраллиги тамойилига асосланган ҳолда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган олтин миқдори доирасида амалга оширилди.


Марказий банк келгуси октябрь-декабрь ойлари давомида ҳам ушбу тамойилга асосан ички валюта бозорига интервенцияларни амалга ошириб боради. Бунда ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган талабнинг сезиларли даражада ошиши кузатилган ҳолатларда, заруриятга қараб, йил бошидан олтин хариди ва амалга оширилган интервенция операциялари ўртасидаги тафовутдан ҳосил бўлган 300 млн. доллар миқдоридagi валюта захираси ҳам ушбу мақсадларга йўналтирилиши мумкин.

2020 йилнинг 9 ойи давомида халқаро пул ўтказмалари орқали республикага келиб тушган валюта маблағлари ҳажми 4,3 млрд. долларни ташкил этди. Сентябрь ойида пул ўтказмалари миқдори 638 млн. долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8 фоизга ошди. Бу ўз навбатида, халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг мувозанатлашиб бораётганлигидан далolat беради.

Мазкур даврда жисмоний шахслар томонидан валюта айирбошлаш шохобчалари орқали сотилган чет эл валютаси миқдори 3,2 млрд. долларни ташкил этиб, айти пайтда улар томонидан 2,9 млрд. доллар сотиб олинди.

Ҳозирги кунда жисмоний шахслар билан валюта операцияларини амалга ошириш учун тижорат банклари кассаларида нақд хорижий валюта қолдиғи 480-550 млн. доллар миқдоридa бўлиши таъминланмоқда.

Шунингдек, Марказий банк томонидан мунтазам равишда тижорат банклари тақдиминомаларига асосан ушбу операциялар учун яна қўшимча хорижий валюта билан таъминланиб келмоқда.




Валюта курсларининг шаклланиши ва динамикаси

Чет эл валюталарининг миллий валютага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий курслари ҳафтада бир марта белгиланиб, душанба куни эълон қилиб борилади.

Бунда АҚШ долларининг сўмга нисбатан курсини белгилашда ҳафта давомида Ўзбекистон Республика валюта биржасидаги кунлик банклараро савдо сессияларида мавжуд талаб ва тақлиф нисбатига кўра шаклланган курсларнинг ўртача тортилган миқдоридан келиб чиқилади.

Жорий йилнинг апрель ойидаги тўғирланишдан сўнг, сўм алмашув курси нисбатан барқарор динамика кўрсатмоқда. Хусусан, миллий валюта курси январь-апрель ойларида 6,6 фоизга пасайган бўлса, май-сентябрь ойлари давомида 2 фоизга пасайди.

Умуман олганда, 2020 йил 9 ойи давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси – 8,6 фоизга қадрсизланди.



Йил якунига қадар миллий валютанинг алмашув курси динамикаси ички ва ташқи макроиқтисодий омиллар таъсирида, ички валюта бозоридagi мавжуд талаб ва тақлифнинг жорий нисбатидан келиб чиқиб шаклланиб боради.

Умуман олганда, ички иқтисодий фаолликнинг тикланиш суръатлари ва асосий ташқи савдо ҳамкорларимиздаги макроиқтисодий шароитларда 2020 йил якунига қадар ички валюта бозоридa ҳолатнинг нисбатан барқарор шаклланиши, алмашув курсининг кескин тебранишларига олиб келувчи фундаментал омиллар хатарлари эҳтимоли пастлиги кузатилмоқда. Бунда йил сўнгига қадар ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган талаб ва тақлиф мутаносиблигини сақлаш юзасидан етарли шароитлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Ахборот хизмати

Жаҳон олтин кенгаши (WGC) маълумотларига кўра, Ўзбекистон олтин сотиш бўйича дунё мамлакатлари ичида биринчиликни бой бермапти.

## ОЛТИН СОТИШ БЎЙИЧА ПЕШҚАДАММИЗ

WGC ҳисобича, аксарият марказий банклар ўз мамлакатлари олтин-валюта захирасини оширганлар, фақат битта мамлакат – Ўзбекистон йирик миқдорда олтин сотган. Жаҳон марказий банклари август ойида олтин ва валюта захираларидан 12,3 тонна олтин сотган.

Тахминан бир ярим йил ичида биринчи марта сотув ҳажми харид ҳажмидан ошиб кетган.

Нетто-харидорлар, одатдагидек Қирғизистон (5 т), Ҳиндистон (4 т), Туркия (3,9 т), БАА (2,4 т), Қатар (1,6 т), Мўғулистон ва Қозоғистон (1,3 тоннадан) сариқ металл харид қилганлар.

Аммо Ўзбекистонда сотиб олиш ҳажми сотиш ҳажмидан анча кўп бўлди: мамлакат олтин захираси 31,7 тоннага камайди.

Натижада, Ўзбекистон захирасидаги олтин ҳажми 298,9 тоннагача тушди (бу мамлакатнинг барча олтин-валюта захираларининг 54 фоизини ташкил этади).



Бир неча йилдан бери олтинни фаол равишда сотиб олиб келаётган Россия Марказий банки уни сотиб олишни апрель ойидан тўхтатишга қарор қилди. Ўшандан бери Россия захираларида олтин ҳажмининг динамикаси сезилар-сезилмас - ўртача 0,5 тоннани ташкил этмоқда. Август ойида пасайиш рамзий маънога эга - 0,1 тоннадан кам бўлди.

WGC келтирган маълумотларга кўра, дунё бўйича олтиннинг умумий расмий захираси 35.123,1 тонна.

1 троя унция олтиннинг (31,1 грамм) бозордаги бугунги нархи 1898.20 долларга тўғри келмоқда.

Экспертларнинг прогноз қилишича, олтин нархи бирмунча турғунликдан сўнг йил охирига бориб, бир унция нархи 2000 долларга чиқиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг олтинни кўп миқдорда сотиши мутахассисларда турли фикрлар уйғотмоқда.

Кимдир олтин нархи кўтарилишидан фойдаланиб, иқтисодий кейинги пасайишдан сақлаб қолиш, пандемия шароитида аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш зарур деб ҳисобласа, бошқа бирлари хомашёни сотиш билан иқтисодий ўнглаб бўлмаслиги, уни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали тайёр маҳсулот ҳолида бозорга чиқариш кўпроқ фойда келтиришини баён этадилар.

Фикрлар ўз йўлига. Факт – олтин сотиш бўйича биз дунё мамлакатлари орасида биринчи ўриндамиз.

“Report” телеграм канали

## БАНКЛАРАРО ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида”ги ва “Электрон тўловлар тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ МБ Бошқарувининг қарори (рўйхат рақами 1545-3, 29.09.2020 й.) билан Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, низом “Банклараро тўловларни узлуksиз равишда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган VII боб билан тўлдирилди.

Марказий банк шартнома асосида Банклараро тўлов тизимининг узлуksиз фаолият юритиши бўйича техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларни таъминлайди.

Тезкор тўловлар тизимига улашиш учун банклар МБнинг Бош ахборот марказига мурожаат этишлари ва ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этишлари лозим. Ҳар бир электрон тўлов ЭРИ калитлари билан ҳимояланади.

Тезкор тўловлар тизими дам олиш кун-

ларисиз 24/7 онлайн-режимда ишлайди. МБдаги вакиллик ҳисобварағи қолдигидан келиб чиққан ҳолда лимит белгиланади. Банклар тўловлар узлуksизлигини таъминлаш мақсадида ҳисобварақлар ликвидлигини таъминлашлари шарт.

Тезкор тўловлар тизимида белгиланган тартибда клиринг сессиялари амалга оширилади. Банк миқозларига уларнинг тўлов топшириқномалари бўйича 24/7 масофавий режимда хизматлар кўрсатиш учун ҳисобварақларда тўловларни амалга ошириш учун етарли маблағ бўлиши лозим.

Тезкор ҳисоб-китоблар тизимидаги маълумотлар тасдиқлангунга қадар тўловчининг ҳисобварағида тўлов топшириқномасидаги суммага тенг сумма захираланади ва фақат тасдиқ келгандан кейингина тўлов амалга оширилади.

Ҳар бир клиринг сессияси охирида банкларнинг соф позициялари аниқланади. Қолдиқлар тўғрисидаги маълумотлар банклардаги ҳисобварақлар бўйича якуний ҳисоб-китобни амалга ошириш учун Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказига узатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 6.10.2020 йилдаги 601-сон қарори билан Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисида низом тасдиқланди.

## ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ БИЛАН МАХСУС КОМИССИЯ ШУҒУЛЛАНАДИ

Ҳужжат Президентнинг 18.08.2020 йилдаги “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6042-сон Фармони билан амалга ошириш доирасида қабул қилинган.

Низомга мувофиқ Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо вазيري Ҳукумат комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Низом Ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартиби, комиссиянинг ишчи органлари, шунингдек қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш тартибини белгилайди.

Комиссиянинг асосий вазифалари белгиланди:

экспорт салоҳиятини ривожлантириш; инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

ҳудудларда саноат кластерларини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган “йўл хариталари”нинг ижросини назорат қилиш.

Қуйидагилар Ҳукумат комиссиясининг ишчи органлари ҳисобланади: Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти;

Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти.

Президентнинг 6.10.2020 йилдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4851-сон қарори қабул қилинди.

Ҳужжатда республика туман (шаҳар)ларида мавжуд умумтаълим мактаблари негизда информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган мактаблар) босқичма-босқич ташкил этилиши назарда тутилган.

Улар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар этиб белгиланган:


ижодий ривожланиш учун шароитлар яратиш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини мактаб ўқув дастурларига интеграция қилиш орқали ўқувчиларга ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш асосларининг чуқур ўргатилишини ташкил этиш;

ўқувчиларни ўқитиш ва билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий қилиш, рақамли ўқув воситалари ва масофавий таълим шаклини кенг қўллаш, шунингдек таълим жарағини умумий касб маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган фанлараро модулардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

ўқув дастурларининг рақамли иқтисодий талабларига мослаштириш таъминлаш ва бу борада таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, давлат идоралари ва тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

ўқувчиларнинг Дастурий маҳсулотлар ва ахборот тех-

## ИТ-МУТАХАССИСЛАР КЎПАЯДИ



нологиялари технологик парки (кейинги ўринларда – ИТ-парк) резидентлари фаолияти билан яқиндан танишиши учун шароитлар яратиш, уларнинг ушбу йўналишга қизиқишини ошириш.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилган:

ихтисослаштирилган ва бошқа умумтаълим мактабларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фанининг “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига оид ўқув дастурлари билан босқичма-босқич интеграция қилинишини таъминлаш;

ўқувчилари “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган давлат умумтаълим мактабларининг 100 нафар энг яхши “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчиларини ҳар йили 20 БҲМ миқдорда бир марталик мукофотлаш тизимини жорий қилиш. Тўлов Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва ИТ-паркнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб қуйидагиларни амалга ошириш назарда тутилган:

Тошкент вилоятида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали ташкил этилади;

информатика ва ахборот технологиялари йўналишларида кадрлар тайёрлаётган барча олий таълим муассасалари томонидан умумтаълим мактаблари битирувчи синфлари ўқувчилари ўртасида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича кўп босқичли ўз олимпиадаси ўтказилади. 1–3 ўринларни эгаллаган ўқувчилар биринчи ўқув йили учун тўлов олий таълим муассасаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳолда имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади.

Олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишлари талабалари ўртасида информатика, дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳаларида ўтказиладиган республика фан олимпиадалари ғолиблари,

шунингдек Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган нафузли халқаро олимпиадалар совриндорлари бўлган талабаларни олий таълим муассасаларининг тегишли магистратура йўналишларига ажратилган квота доирасида давлат грантлари асосида имтиҳонсиз қабул қилинади.

Олий таълим муассасаларининг информатика ва ахборот технологиялари билан боғлиқ таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга бўлган битирувчилари мазкур олий таълим муассасаларининг магистратурасига кириш имтиҳонларисиз тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

Шунингдек ҳужжатда қуйидагилар назарда тутилган:

1.01.2021 йилга қадар қуйидагиларни жойлаштириб бориши назарда тутилган “Ўзбекистоннинг ИТ-истеъдодлари” портали ишга туширилади;

ахборот технологиялари соҳасида халқаро ва тармоқ олимпиадалари, компьютерда дастурлаш ва киберспорт бўйича ҳақатонлар ғолибларининг мунтазам реестри;

“Бир миллион дастурчи” дастурини амалга оширишнинг ҳолати, ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш соҳасида ўтказиладиган олимпиадалар, танловлар ва акциялар тўғрисида маълумотлар;

ахборот технологиялари ва компьютерда дастурлаш соҳасига ихтисослаштирилган марказлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасалари, шунингдек ўтказиладиган ўқув курслари, тўғрарлар ва тре-

нинглар тўғрисидаги батафсил маълумотлар;

2021 йилдан бошлаб “Информатика ва ахборот технологиялари” фани бўйича халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган профессор-ўқитувчиларни олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бир ойлик маош миқдоридан бир марталик мукофотлаш тизими жорий этилади;

1.03.2021 йилга қадар “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчиларини сертифициклаш миллий тизими жорий этилади;

1.09.2021 йилдан бошлаб рақамли кўникмаларни эгаллаш даражаси бўйича тегишли сертификатга эга бўлган ихтисослаштирилган мактабларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқитувчиларига базавий тариф ставкасининг 50% миқдоридан ҳар ойлик устама ҳақ тўланади;

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

2020 йилда ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаблар ва уларга бириктирилган олий таълим муассасалари, илмий ва инновация марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари рўйхати;

2021-2023 йилларда республика туман (шаҳар)ларида ихтисослаштирилган мактабларни босқичма-босқич ташкил этиш жадвали;

2020-2023 йилларда информатика ва ахборот технологиялари йўналишида узлуksиз таълим сифатини ошириш бўйича “йўл харитаси”;

Ахборот технологиялари соҳасидаги илмий ва инновация марказларининг истиқболли лойиҳаларини тижоратлаштириш ташкил этиш дастури.



Пластик карталар бўйича фирибгарликнинг кўпгина усуллари мавжуд. Ўзмилийбанк сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда фирибгарлик схемасининг қуйидаги тури кўпайиб кетганлигига аҳамият бермоқда.

## “ЎЗМИЛИЙБАНК” ОГОҲ ЭТМОҚДА

Айтайлик, молиявий саводхонликка тест кўринишида сўров ўтказилади. Тест чоғида потенциал қурбон тест натижаси жўнатиладиган электрон почтаси ёки телефонининг рақами каби ўз алоқа маълумотларини киритади. Кейин алоқа маълумотларини олиб, тест ўтказилгандан сўнг фирибгарлар потенциал қурбон билан алоқага чиқади ва савдо платформаси бўлган сайтнинг хизматидан фойдаланишни таклиф қилади.

Фирибгар мазкур сайт минимал сармоёда ҳам даромадни оширишга ёрдам беришига мижозни ишонтиради ва бонуслар ҳада қилади. Қурбон фирибгарларнинг қармоғига илингандан кейин улар камида 100 АҚШ доллари миқдордаги сармоёлардан бошлайди ва уни гўё муваффақиятли сармоё сифатида 150-200 АҚШ доллари миқдорда қайтаради. Шу билан қурбоннинг ишончига қиради.

Кейин яна бонусларни таклиф қилишни бошлайди, лекин катта сармоёлар учун ва кўпчилик соддалиги туфайли брокерларга 500-3000 АҚШ доллари миқдорда йирик суммаларни ишониб топширади. Шундай сармоёлар сериясидан кейин улар позиция юқорига кўтарилганлигини ва яна кўпроқ сармоё киритиш кераклигини кўрсатади. Яна каттароқ суммани киритишга ундайди, лекин кейин позиция кескин тушиб кетади ва қурбон ҳисоб-рақамдан пул маблағларини ечишга ҳаракат қилиб, ваҳимага тушишни бошлайди. Бироқ, позиция очик бўлганда оммавий оффертага мувофиқ, маблағларни ечиб бўлмайди.

Мана шундай схема бўйича фирибгарлар энгил ва тез даромадни ваъда қиладиган одамларга осон ишонадиган эҳтиёткорсиз карта эгаларининг ва энгил пул иштиёқмандларнинг маблағларини олиб қўйиши мумкин.

Карта эгалари шуни ёдда тутишлари керакки, агар улар шу каби сармоё ишларига аралашадиган бўлса, унда бошланишида сармоё киритадиган сайтнинг шартлари билан танишиб чиқишлари, интернетда сайтнинг бошқа фойдаланувчиларининг хулосаларини топиб, кўриб чиқишлари лозим. Яна ҳар қандай шу каби сайтнинг шу турдаги молиявий операцияларни ўтказишга ўзининг лицензияси бўлиши керак.

Лицензияни ким берганлигини ва унинг серия рақамини билиб, унинг ҳақиқийлигини текшириб чиқиш зарур. Буни лицензияни берган тартибга солувчининг сайти орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, брокерга лицензияни берган тартибга солувчининг техник қувватланишида лицензиянинг амал қилиш муддатини ва ҳақиқийлигини текшириш мумкин.




Агар карта эгаси шу каби фирибгарларнинг қурбони бўлган бўлса, асосийси шуни ёдда тутиш лозимки, брокер билан ёзишмалар, унинг исми ва фамилияси, мижоз тарафидан имзоланган барча ҳужжатлар ва сайтнинг ва унинг оммавий оффертасининг маълумотлари каби барча далилларни максимал тарзда йиғиши керак.

Ушбу барча ҳужжатларни картани берган банкка тақдим этиш керак, картанинг орқасидаги рақам бўйича мурожаат қилиш керак. Лекин ҳар доим ҳам ўғирланган маблағларни оддий юридик сабаблар бўйича қайтариб бўлмайди - потенциал қурбон сайтнинг оммавий оффертасини қабул қилиб, сайтнинг шартларига кўниб бўлган. Унутмаслик лозим, сайтнинг оммавий оффертаси - бу ҳам шартнома ва у юридик кучга эга.

Finance.uz

## КАРТА ЁКИ ОМОНАТ: ПУЛНИ ҚАЕРДА САҚЛАШ МАНФААТЛИРОҚ ВА ХАВФСИЗРОҚ



### КАРТА

Банк маҳсулотлари орасида энг ҳимоясиз банк картаси ҳисобланади. Гап шундаки,

у орқали масофадан туриб операцияларни амалга ошириш — интернет-дўконларда тўловлар қилиш ёки мобиль илова ёрдамида пул ўтказиш мумкин. Бировнинг банк картасидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритиб олган фирибгарлар ҳақида кўплаб янгиликлар чиқиб туради.

### ОМОНАТ

Омонатлар карталардан кўра ишончлироқ. Биринчидан, улар давлат томонидан сугурталанган. Иккинчидан, фирибгарлар омонатларни хуш кўрмайдилар. Пулларингизга фирибгарларнинг қўли етиб бориш хавфи карта билан солиштирганда анча паст.

## КРЕДИТ БИЛАН БОҒЛИҚ ФИРИБГАРЛИКЛАР

Бизнинг давримизда кредит олиш қийин эмас, бунинг учун тегишли ҳужжатларни тўплаш ва ижобий кредит тарихига эга бўлиш, баъзан эса фақатгина шахсни тасдиқловчи паспортнинг ўзи ҳам етарли бўлади. Бироқ барча кредит олувчилар ҳам ҳалол одамлар бўлмай, қарзини ўз вақтида тўламаслиги ва банкка ҳурмат билан муносабатда бўлмаслиги мумкин. Айрим тоифадаги одамлар эса кредитлар билан боғлиқ фирибгарликлар ҳисобига даромад топишга интилади.


Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили бутун дунё бўйича қарийб икки триллион АҚШ долларлик кредит ажратилади. Масалан, биргина Буюк Британияда ҳар бир оила ўрта ҳисобда ўн бир минг фунтлик кредит мажбуриятига эга. Бу эса уларнинг йиллик даромадининг ярмига тенг. Табиийки, бу ерда ҳам фирибгарлар учраб туради.

Россияда иш ҳақи билан боғлиқ вазият хурсанд бўладиган даражада эмас, бироқ маошлар вақти билан ошиб турибди. Айна пайтда одамларнинг иштаҳаси ҳам очилиб турибди. Шу боис тез орада барча харидларнинг деярли 50 фоизи кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилиши кутилмоқда.

Албатта, кредитлар билан боғлиқ фирибгарликлар унчалик билинмаслиги учун фирибгарлар одатда расмийлаштириш учун биргина ҳужжатни талаб этувчи экспресс кредит номини олган усулдан фойдаланади. Шунингдек, одатда техникани кредитга сотадиган дўконлар ҳам одамларни алдаши мумкин экан. Қуйида хорижда учраётган айримлар фирибгарлик турлари ҳақида маълумот берамиз.

### ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МУЛКНИ НОҚОНУЙ ОЗОД ҚИЛИШ

Жуда кўп ҳолатларда фирибгарларга банк бўлимларидаги муайян ходимлар билан ўрнатилган илиқ муносабат қўл келади. Сиз банкнинг доимий мижози бўлиб, сиз билан ҳеч қандай муаммо бўлмаган бўлса, ҳеч



бир инсон сиздан шубҳаланмайди ва кредит масаласига келганда алдашингиз мумкинлигига ҳеч ким ишонмайди. Бироқ ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўлиб туради.

Масалан, мижоз бирон бир гаров эвазига қарз олади. Бироқ уни қайтаришга кўзи етмаса, банкка қайтиб келди ва банк ходимидан унга гаровга қўйилган мулкни бериб туришни қаттиқ илтимос қилади. Унга бу мулк шошилинч равишда зарур бўлиб қолганини маълум қилади.

Бундай ҳолатларда фирибгар мулкни ўзи ваъда қилган кунда қайтариб олиб келишини айтади. Молиявий ташкилот ходими эса биринчи марта кўрмаётган мижозга ишонади ва гаровга қўйилган мулк ёки бошқа нарсани бериб туради. Шундан кейин, одатда эндиликда собиқ мижозга айланган мижоз йўқолиб қолади. Айна пайтда у расман қоғозларда унинг ҳеч қандай айби йўқлигини яхши билади.

### КАТТА ҲАЖМДАГИ КРЕДИТНИ ОЛИШ

Одатда банклар ўз ходимларига бошқалардан фарқ қиладиган шартларга кўра

“алоҳида” тоифадаги кредит беришни таклиф қилади. Ушбу шартлар одатдаги-га нисбатан юмшоқроқ ва бундай кредитга талаб юқори бўлади. Бунда асосан чекланган ҳажм белгилана-

ди, ундан кўпроқ ҳажмдаги қарзни беришнинг имкони бўлмайди.

Ҳамонки, бу банкнинг ўз ходимлари экан, бундай кредитларнинг назорати ҳам камроқ ва соддароқ бўлади. Шу боис, бу ўринда фирибгарларнинг ошиғи олчи бўлади. Масалан, бир неча нафар инсон аввалдан тил бириктириб олиши мумкин. Ҳеч кимга билдирмай, ходимлардан бирининг номига белгиланган ҳажмдан кўпроқ миқдордаги кредит расмийлаштирилади. Сўнгра тегишли тўловларни муаммосиз расмийлаштириб олган кредит олувчи бошқа шерикларидаги пулларни олдиндан йиғиб олади.

Афсуски, кредитлар билан боғлиқ фирибгарликлар жуда тез-тез учрайдиган иллат бўлиб, банклар доимо таваккалчиликка қўл уришига тўғри келади. Бироқ айни пайтда шундай шахсларнинг касрига баъзан қонунни бузмайдиган, тартибли мижозлардан шубҳаланиб, кредит ажратилмай қолиниши ҳам жаҳон тажрибасида учраб турадиган ҳолатлардан биридир.

Саодат СОДИҚОВА  
тайёрлади.



...Куз. Саргай-ган баргларнинг бир бир ерга оҳиста тушиши кишини ўйлантириб қўяди. Ерларчин бўлиб ётган баргларнинг устига шивирлаб ёғатган ёмғир томчилари баргларни биллурдек товлашишга хизмат қилмоқда.



## “ҲОКИМИНГИЗГА АЙТИНГ, МЕНГА КҮНГИРОҚ ҚИЛСИН!”

Ёрда юрган ҳашаротлар ҳам жонсарақ. Жуфт-жуфт бўлиб қаергадир шошмоқда. Шугиналар ҳам бир-бирига меҳрибон. Жуда чиرويли манзара... Хаёлимни “Менга ёрдам берадиган бирор жон борми-йўқми? Қачонгача сёнларнинг ёрдамингни кутиб, қийналиб яшашишимиз керак? Эшик қоқиб келмагунимизча, ёрдам беришни ўйламайсизлар ҳам? Ўзи ҳоким қаерда? Ўтган сафар келганимда менга кўнгироқ қилсин, дегандим. Нега кўнгироқ қилмади?” деган овоз бузди. Эркачнинг кейинги сўзлари менга эшитилмади.

Хайрон бўлдим. Шу пайтгача давлат идорасига келиб сўзлашишнинг ўзи хос этикаси бор деб ўйлар эканман.

– Сиз матбуот котибимисиз? Мен олтинсойлик блогерман. Ҳокимингиз ишлайдими-йўқми ўзи? Ишламаса, кетсин. Нима, у Шўрчиннинг шўрига бино бўлганми? Туманингизда ҳокимингиз емаган ҳеч қаер қолмади-ку. Манглайдан тарақиб ишлатмагани учун ҳам қаерга қараманг, муаммо, қаерга қараманг, мурожаат. Уйсиз аёллар қийналиб юрибди. Ишласа, тузук ишласин. Бўлмаса республика газеталарнинг биридан журналист чақиртириб, танқидий мақола чиқартираман.

– Яхшимисиз ўзи, бу нима деганингиз? Бироз тушунарлироқ қилиб гапиринг. Муаммога келадиган бўлса, сизни қийнаётган муаммо нимада? Айтинг, ўрганамиз. Масалая оидинлик киритамиз.

– Сиздан келадиган гап шу-да ўзи. Муаммо бўлса, ечамиз дейишдан нари ўтмайси. Адвокатликдан бошқа ишни ҳам эпланг-да энди. Ёнингизга икки фарзанди билан эри ҳайдаб юборган аёл боради. Зўр бўлсангиз, шунинг масаласини ҳал қилиб беринг-чи? Шундан кейин сизни ҳам, ҳокимингизни ҳам тинч қўяман.

Елкасида шўрчилик аёлларнинг муаммоларини кўтариб юрган олтинсойлик блогер юборган мурожаатчи аёл эшик қоқиб келди-ю, келганидан ўзи уялди.

– Аслида билиб туриб ноқонуний қурган икки хонали уйимиз учун болаларимнинг отаси билан судлашиб юрибмиз. Бунда туман ҳокимининг айби йўқ. Барака топсин, пандемия бўлишига қарамай, бир неча марта ёрдам берди. Фақат шу суд ишлари бироз чўзилиб кетди-да.

– Опа, олтинсойлик блогерга ҳокимимиздан норози эканлигингизни айтган экансиз?

– Норози эмасман. Нега норози бўлай? Фарзандларим учун моддий ёрдам ва уй қуриб олишим учун тўрт сотих ер берган бўлса. Уй қуришга имкониятим йўқлиги сабабли берилган ерга майда-чуйда экиб, дехқончилик қилаяпмиз.

Суд борасида айтган гапларимни ўша блогер нотўғри талқин қилганга ўхшайди. Ўзи “Ҳокимингиз матбуот котибининг ёнига боринг, сизга ёрдам беради” деганида, суд ишларига ҳоким билан матбуот котибининг нима алоқаси бор экан, деб ҳай-

рон бўлгандим. Синглим, хафа бўлманг. Ўзи охириги пайтларда аёлларнинг гап-сўзларини нотўғри талқин қилиб, интернетга жойлаштирадиганлар кўпайиб кетди. Ҳеч қачон ҳокимдан норозиман демаганман.

Тўғри, ечими кимгадир боғлиқ бўлган муаммонинг бартараф этилиши бироз мушкул. Шунинг учун ечимини кутаётган муаммолар кўпайиб бораётгани ҳам чин. Гарчи вазифамга кирмаса-да, инсонийлик нуқтаи назаридан суд раиси билан телефон орқали боғланиб, мурожаат юзасидан сўхбатлашдик. Сўхбатдошим ҳам яхши инсон экан, масалая доир фикрларини билдириш асосида икки норасида фарзанди билан турмушидан ажрашган аёлга имкон қадар ёрдам қилишини айтиб ўтди.

“Ҳм-мм! Яхши биргина мурожаатни салгина ижобийроқ ечибсиз. Бу билан мактанманг”. Нотаниш рақамдан телефонимга келган бу хабарни зўра тушуниб олгунимча хабар эгаси кўнгироқ қилди.

– Битта фермернинг ерини ноқонуний равишда олиб қўйган ҳокимингиз зудлик билан ўзига қайтариб берсин. Акс ҳолда, боғлаб туриб ижтимоий тармоққа чиқараман. Ўтган галги, эри йўқ аёлга ёрдам берганингиз учун хабаримни ижтимоий тармоқдан ўчирдим. Ери тортиб олинган фермер ҳақида ёзмай тураман. Агар ҳал қилмасангиз, ёзиб чиқараман. Айтганча, менинг рақамимни ҳокимингизга беринг, менга кўнгироқ қилсин...

Буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Ўқиган-ўқимаган, тушунган-тушунмаган, мен блогерман деб раҳбарларни танқид қилаверса, камига “Менинг рақамимни ҳокимингизга беринг, менга кўнгироқ қилсин”, деб турса, бу ҳақдини билмаслик эмасми?

Кейинги вақтларда аёлларимизнинг қадрини топтайдиган, раҳбарларни халқ орасида обрўсизлантирадиган, нотўғри талқин қилинган хабарларни тарқатиш урфга кирди. Уларнинг наздида гўё мутасадди идора ходимлари пашша қўриб ўтирибди. Аслида ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолаётгани йўқ. Имкон қадар фуқароларнинг манфаати ҳимоя қилиниб, уларга қонун доирасида ёрдам берилмоқда.

Тўғриси, ҳозирги пандемия ҳаммани толиқтириб қўйди. Ортиқча ҳаракат, ўринсиз гап-сўзлар ҳеч кимга ёқмаётгани ҳам бор гап. Аммо эҳтиёжманд оилаларни қўллаш, оилалар доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шундай вақтда ўзини блогерман, деб атовчи ҳамюртларимиз сохта исмлар билан ёлгон хабар тарқатмасдан, карантинда қийналаётган фуқароларга ҳолисона ёрдам қилса яхши бўларди.

Нигина ШОЕВА,  
ЎЗА

## ЯШАШГА ҲАМ ВАҚТ ҚОЛСИН, БИРОДАР?!

*Ҳовели эшиги кодланган. Кўпқаватли уйнинг йўлак эшиги кодли.*

*Хонадон эшигини ҳам кодни билмаган киши очолмайди.*

*Телефон кодланган.*

*Компьютер кодланган.*

*Сейфдаги ҳужжатлар ва жамғарилган пуллари ҳам махсус код ҳимоялайди.*

*Ёнимиздаги сумкачининг ҳам 4 та рақамли коди бор – бирор ўғирлаб кетса ҳам фойдасиз...*

*Мақтабага, университетга киришда махсус ёрлиқ бор.*

*Уни нур шуғлаланиб турган ускунадан тасдиқлашиб олмасангиз, киролмайсиз.*

... Ана шундай вазиятда қадим ажодларнинг эркин, озоқ қони бир зум танимда гупуриб кетади. Миямга рақамлардан ташқари нима қолди ўзи деган ўй урилади.


**Ўйдаги болаларнинг қалби-чи?**

**Кун бўйи рўзгор юмушлари билан андармон бўлган аёлнинг юрагига қандай тилсим орқали қирилади?**

**Дўстимга ҳасратлашиш учун кўнгироқ қилсам, унинг ҳам кайфияти, вақт каби кодларини теришим зарурмикан?**

Биз ана шундай рақамлар кўршовада яшашни бошладик.

Гоҳо хайрон бўламан: нега одамлар бир-бирдан узоклашиб борапти? Бири иккинчисини йиллаб кўрмаса ҳам парвойи фалак. Кўришганда эса қувонки кетадилар ёки қувонгандек кўрсатади ўзларини. Ҳар ҳолда вақт етишмаяпти. Буни тан олиш зарур. Аммо аввалгидан беш-ўн баробар чақон транспорт воситалари бор, интернет деган қўл-оёғи енгил хизматчи, телефон имкониятлари кўп ишларни ўзидан билиб адо этияпти.



Шундай бўлса ҳам вақт етмайётар. Бу нарса қишлоқларда ҳам сезилаяпти. Бировнинг уйига меҳмонга бориш, бир-икки кун туриб қайтиш каби ҳолатларни ҳатто қарияларимиз ҳам тарқатмоқда. Уша отахон ёки онахондан шошилиши сабабини сўрасангиз, қизгин тарзда шундай дейди: “Ҳозир гап сотиб ўтирадиган замон эмас. Болаларнинг олдига бораёйин. Йўғим-терим пайти. Қўрадаги молларни бир айлантириб келсам ҳам ҳарна-да...”

Болалар-чи? Болалар ҳам банд. Шаҳар жойларда болалар

мақтаб ва мактабдан кейинги тўғарақлар ва машғулотлардан ортмайди. Инглиз тилидан репетитор, рус тилидан репетитор, сузишга, расм чизишга яна бир балоларни ўрганишга бориш керак. “Дом” орасида ёки мактаб стадионида тўп тепиб юришга вақт йўқ.

Қишлоқ болаларининг гарданида томорқа ва чорва ташвишлари бор. Мактаб ҳам бор, албатта. Бироз кен қолса отасидан ҳақини олади. Лекин ўйинга вақт йўқ.

Ҳа, ҳаёт мураккаблашди.

Яшаш шартлари кўпайиб кетди. Уларни четлаб ўтиб бўлмади, четламоқчи бўлган одамнинг ўзи четда қолиб кетади. Берилиб музыка тинглашга, болаларга эрталаб айтиб беришга, маҳалладош чол билан ҳеч бир манфаатсиз мириқиб сўхбатлашишга ҳафсала қолмаяпти. Ишлаш керак, вассалом!

Бугун 14 ёшли болани китоб ўқимасликда айблаш кўп тўғри эмас. Уни ўраб турган ахборот манбалари шу қадар кўпки, қайси бирига “аъзо” бўлишга хайрон турибди у.

Биз гоҳо “Адирада қўй боқиб, белимизга китобни боғлаб олиб юрардик. Шароит йўқ эди. Лекин ўқирдик. Сенлар шунча шароит бўлса ҳам ўқимаясанлар” деб қойиб қоламиз. Аммо бизда олдимиздаги яйдоқ дашт ва муроди қорин тўйдириб бўлган жониворлардан бошқа эрмак, чалғитувчи нарса йўқ эдики, китоб ўқишдан бошқа чора ҳам қолмасди.

Алқисса, кодланган ҳаёtimизни енгиллаштиш, кўнгилини, одамийликни асраб қолиш учун замонини ва янгиликларни айбдор қилмаслик керакка ўхшайди. Аксинча, ҳамма кодлар қалбимизда эканини тушуниш зарур. Кўнгилини кенгроқ қилиб, соф ўзбекча

айтганда, “Бўлади-да. Бултурдан қолган иш борми?” дея олиш керак.

Тўй – тўй, аза – аза бўлиши, болаларнинг болалиги ўғирланмаслиги, кексаларнинг гаштли даври манфаатимизга хизмат қилмаслиги лозим. “Мен яшашга келганман!” деб хайқирган эди Бальзак қаҳрамонларидан бири.

Хуллас, кодларни ўзимиз ўйлаб топганмиз, ўзимиз ечимини ҳам топа биламиз. Фақат бирозгина кенгроқ бўлайлик!


Шодмонқул САЛОМ,  
ЎЗА

## ТАРАҚИЁТ МОДЕЛИ

## КОРЕЙСЧА ЭПЧИЛЛИК

### Биринчи тўлқин янги индустриал мамлакатлар иқтисодий модели

Хукумат банк тизими фаолияти қатъий назорат ўрнатди. Иқтисодийнинг алоҳида секторлари, лойиҳа ва фирмаларнинг кредит линияларини молиялаштирди, чеболларнинг чет эл кредитларига кафолат берди. Компаниялар ташқи бозорда рақобатбардошликни йўналтириш билан импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни рағбатланиш сиёсати қўшиб олиб борилди. Иқтисодий қилинадиган тугалланмаган оралик мамлакатлар солиқ тўлашдан озод қилинди.



#### (Бошланиши ўтган сонда)

Энергия ташувчиларга, транспорт ва асбоб-ускуналарнинг баҳоқарига ссуда берилди. Натижада 80-йилларнинг бошида ўн та чебол жанубий корейлик қайта ишлаш саноат маҳсулотлари ҳажмининг 20 фоизини таъминлади. Улар орасида кейинчалик дунёга машҳур Hyundai, Samsung, Daewoo ва LG компаниялари бор эди.

Қолаверса, хукумат интеллектуал мулк ҳуқуқига қатъий риоия этилишини таъминлади. Натижада таълим соҳаси Корейнинг давлат приоритети бўлиб қолди. Талабаларнинг аксарият қисми табиий ва инженерлик фанлари бўйича қайта тайёрлашдан ўтди. Уч даражалик таълим тизими жорий қилинди. Натижада мамлакат юқори малакали ишчи кучига эга бўлди.

Хукуматнинг ўзи илмий тадқиқот тизимларини яратиб, компанияларда тадқиқот ишларини олиб боришга кўмаклашди. Университетлар ва саноат компаниялари ўртасида алоқалар мустаҳкамланди ҳамда ривожланди. Шу мақсадда фискал механизмлардан, илғор технология соҳасида давлат буюртмаларидан фойдаланилди. Агар ўтган асрнинг 60-йилларида Корей ЯИМнинг 0,5 фоизини тадқиқот ишларига давлат харажатлари кўринишида фойдаланган бўлса, 1995 йилга келиб, бу кўрсаткич 2,3 фоизга етди. Аммо, энди харажатларнинг 80 фоизи хусусий бизнес ҳиссасига тўғри келди. 2006 йилга келиб, Корейнинг тадқиқотларга харажатлари ЯИМнинг 3,2 фоизини ташкил этди. Таққослаш учун бу кўрсаткич АҚШда 2,51 фоиз, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) мамлакатларида 2,25 фоиздан иборат.

Корей саноати тез ўсаётган бозорлардаги вужудга келаётган янги имкониятларга фаол жавоб берди. Шу мақсадда зарурий технологик силжишларни амалга оширди. 90-йилларнинг бошидан қайта ишлаш саноатида юқори ва ўрта юқори технологияли маҳсулотлар ҳиссаси ортиб борди. Корей энди бу соҳадаги етакчи мамлакатлар қаторига ўтди. Бир қатор корей чеболлари, жумладан, Samsung, Hyundai motors, LG трансмиллий корпорацияларга айланди.

Ҳозирги вақтда Жанубий Корей автомобиль ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Унинг дунё автомобиль ишлаб чиқаришдаги улуши 5,4 фоизни ташкил этади. Мамлакат экспортнинг 8,3 фоизини мазкур жаҳда беради, ишчи кучининг 7,4 фоизи шу соҳада жойлашган. Йилига тўрт миллиондан ортиқ ишлаб чиқариладиган корейс автомобилнинг ярами экспортга кетади.

Мамлакат саноатининг яна бир муҳим йўналиши кemasозликдир. Кemasозлик барча турдаги кемаларни яратиш, таъмирлаш ва конверсияни ўз ичига олади. Бу соҳа ўз навбатида металлургия, электроника, кимё ва бошқа аралаш тармоқлар ривожланишига ҳам етакчилик қилади. Соҳадаги мақсадли ихтисослашув натижасида бу ерда қиммат ва мураккаб кемалар – йирик тоннали контейнерни бир манзилдан иккинчисига олиб ўтиши мумкин. Жаҳон кemasозлик бозорида бу сегмент бўйича Корей монопол ишлаб чиқарувчига айланди. У улкан бозорнинг 59,3 фоизини эгаллаб, Япониядан икки баробар катта кўрсаткичга эришди. Мамлакатда денгиздан нефть ва газ қазиб олиш учун платформалар яратилмоқда.

Саноатдаги бу катта утуқлар билан чекланмасдан Корей Республикаси кейинги йилларда юқори технологияли ишлаб чиқаришга зўр бермоқда. Ҳозирги вақтда мамлакат истеъмол электроникаси – аудиоқурилмалари ва видеоқурилмалари ҳамда маиший жиҳозлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда энг олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Рақамли технологияга ўтиш муносабати билан корей истеъмол электрон маҳсулотларига, телекоммуникация асбоб-ускуналарига талаб янада ошиб кетди.

Жанубий Корей иқтисодий таркибида ярим ўтказгичлар саноати – интеграл микросхемалар ярим ўтказгичли асбоб-ускуналар алоҳида ўрин тутди. XX аср охиридаги Осиё инқирозидан чиқишда ҳам ярим ўтказгичлар саноати, айниқса, хотира чиплари ҳал қилувчи роль ўйнаган эди. Уларнинг катта қисми ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Япония, Евроиттифок, Жануби-Шарқий Осиёга экспорт қилинади.

Жанубий Корейнинг ташқи савдо ҳажми унинг ялли ички маҳсулотининг 70 фоизини ташкил этади. Бу эса жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Хулоса ўрнида шуни ҳам қайд этиш лозимки, янги асрга Корей ўз ривожланишининг мураккаб палласида кириб келди. Амалдаги қатор иқтисодий ўсиш омиллари ўз имкониятларини тугаллади. Аҳоли турмуш даражасининг ошгани ва бу кўрсаткичлар бўйича ИХРТ мамлакатларига яқинлашгани сари амалдаги экстенсив иқтисодий ўсиш модели имкониятлари чеклана борди. Меҳнат ресурслари ва капитал ўсиш суръатлари пасайиб борди. Мамлакатда инновацияга асосланган ривожланишининг янги моделига ўтиш зарурати кундан-кунга аён бўлиб бормоқда.

Шукур ЖАББОР тайёрлади.

2020 йилда ўта камбағал инсонлар сони коронавирус ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий инқироз сабабли 22 йилдан буён кузатилмаган даражада кўп бўлади, деб тахмин қилди Жаҳон банки ўз башоратида.

## КАМБАҒАЛЛИК

### ОРТИШИ МУМКИН

Ташкилот ҳисобига кўра, инсоннинг кунлик даромади 1,9 АҚШ долларидан кам бўлган тақдирда ўша инсон ўта ночор вазиятда яшаётганини англатади. ЖБ баҳосига кўра, экстремал даражада ночор яшаётган одамлар сони жорий йилда 88-115 миллион нафарга ортиши мумкин. 2021 йилга бориб уларнинг сони 150 миллион нафарга етиши мумкин.

Пандемияга қадар ўта камбағаллик даражаси 2020 йилда Курраи заминдаги аҳоли сонининг 7,9 фоизига етиши мумкинлиги башорат қилинган эди. Ҳозирда таҳлилчилар бу кўрсаткич 9,1-9,4 фоизга ети-

шини айтмоқда. Камбағаллар сони ортиши бўйича кузатилган рекорд кўрсаткич Осиёдаги молиявий инқироз сабабли кузатилган 1998 йилдан кейин янгиланмаган эди.

Авалпроқ Жаҳон банки ўн миллионлаб осиеликларнинг камбағалликда яшашини маълум қилган эди. Ушбу ҳудуддаги аҳолининг 38 миллион нафарига тегишли даромадлар кунига 5,5 АҚШ долларидан паст бўлиши мумкин. Ташкилот ҳисобига кўра, пандемия бўлмаганида жорий йилда бундай ҳолатдан 33 миллион нафар одамлар қутулиб қолган бўларди.

## ЖЕФФ БЕЗОС

### ШУБҲА ОСТИДА

Европа ҳукумати Америкадаги Amazon компанияси асосчиси, дунёнинг энг бадавлат инсонларидан бири Жефф Безос томонидан зимдан кузатилаётгани бўйича шубҳа қилмоқда. Европа парламенти депутатлари унга хат билан чиқиб, ундан европалик сиёсатчилар ҳақида маълумот тўплаш билан шугулланувчи махсус жосуслари бор ёки йўқлигини сўрашган.

Бундай шубҳаланишга Amazonнинг суриштирилган маълумотларни таҳлил қилиш мутахассислиги бўйича икки бўш иш ўрни ҳақидаги эълони сабаб бўлган. Ушбу ходимларга компаниядаги меҳнат интизомига таъсир кўрсатаётган ички ва ташқи таҳдидларни кузатиш ҳамда бошқа турдаги “ҳиссий ҳолатлар”ни кузатиш вазифаси юклатиладиган бўлган. Ушбу бўш иш ўринлари ҳақидаги эълондан сўнг компания кескин танқидга учраган ва бу эълон тез орада сайтдан олиб ташланган. Европалик сиёсатчилар ишга талабгорлардан француз ва испан тилларини билиш талаб этилишидан шубҳаланган.



Умуман олганда Безос ва Amazon компанияси ходимларига нисбатан кескин сиёсат юритиши билан машҳур. “Очiq бозорлар институту” ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилоти ўтказган тадқиқотга кўра, компания ходимларини кузатиш ва оммавий равишда назорат қилиш тизимини ишлаб чиққан. Amazon қатъий интизомга ва ходимларнинг ишлаб чиқарувчанлик даражасига катта эътибор қаратади. Ходимлар секин ишлаган тақдирда Amazonнинг ички тизими унга нисбатан “хайфсан” эълон қилади. Бу эса ҳатто ходимнинг ишдан бўшашига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Айни пайтда компания раҳбарияти ходимларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган касаба уюшмалари кўмиталарини тузишга қаршилик кўрсатиб келади.

Авалпроқ маълум қилинганидек, Лос Анжелесда Amazon ишчилари Безоснинг уйи атрофида намойиш ўтказган ва меҳнат шартини яхшилаш, иш ҳақини ошириш ва ходимларга бепул тиббий хизмат тақдим этиш талабини илгари сурган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## 50 НАФАР АМЕРИКАЛИК АҚШ АҲОЛИСИНING ЯРМИДАН ҲАМ БАДАВЛАТРОҚ

Bloomberg агентлиги хабар беришича, 50 га яқин энг бадавлат америкаликлар мамлакат аҳолисининг ярмида мавжуд маблағга эга.




АҚШдаги энг бадавлат одамларнинг бир фоизда 34,2 триллион АҚШ долларига тенг маблағ бор. Айти пайтда 165 миллион америкаликлар жами 2,08 триллион АҚШ долларлик маблағга эга. 50 нафар энг бадавлат америкаликлар бир йилда жами 339 миллиард долларга бойиган. Мутахассислар фикрига кўра, коронавирус пандемияси АҚШ даги тенгсизликни кучайтириб юборди.

Таҳлилчилар аксарият америкаликлар акцияларнинг нархи ошишидан фойда олмаслигини маълум қилди.

1981 йилдан 1996 йилгача даврда туғилган авлод вакиллари мамлакатнинг энг асосий ишчи кучи бўлишига қарамай, АҚШ бойликларининг атиги 4,6 фоизини назорат қилади.

Авалроқ маълум бўлганидек, мамлакатда оилалар ва нотижорий гуруҳлар активларининг соф қиймати 2020 йил иккинчи чорақда тарихий юқори нуқтага етди. Бойлик кўрсаткичи 6,8 фоиз (118,96 триллион АҚШ доллари) га ошди. Бу эса 2019 йил охирига нисбатан 380 миллиард АҚШ долларига кўп.

ОПЕК (нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти) нинг World Oil Outlook (WOO) учун тайёрлаган маърузасида қайд этилишича, ривожланган мамлакатлар учун нефть асри якунига етди ва яқин беш йилда хомашё истеъмоли суткасига 1,1 миллион баррелга камайиб кетиши мумкин.



## НЕФТЬ АСРИ ЯКУНИГА ЕТИШНИ БАШОРАТ ҚИЛИШДИ

Нефть истеъмоли камайиши сабаблари сирасига иқлим ўзгаришига нисбатан юритилаётган сиёсат, транспорт инқирози, аҳоли сонининг ошиши сингари омиллар киради. Хомашёга бўлган талабнинг тикланиши ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига юз бериши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. 2025 йилга қадар бу давлатларда нефть истеъмоли суткасига беш миллион баррелга (56,9 миллионга қадар) ортиши кутиляпти. Энг катта талаб Хитой ва Ҳиндистонда юзага келиши мумкин.

ОПЕК ҳисобига кўра, Россияда хомашё истеъмоли жорий йилда суткасига 3,2 миллион баррелгача камайиши мумкин. Сўнгра секинлик билан яна кўпайиши, суткасига истеъмоли қилинадиган нефть ҳажми 2024 йилга бориб 3,7 миллион баррелга етиши мумкин.

Шунингдек, ОПЕК жаҳон бўйича нефтьга бўлган талаб 2040 йилга бориб тўққиз фоизга ортинши (суткасига 109,3 миллион баррель) тахмин қилмоқда. Ташкилот 2045 йилга бориб жаҳон энергия таъминотида нефтьнинг ўрни ошишига умид қилди.

Авалроқ маълум бўлганидек, жаҳон бўйича нефть ва газ казиви олувчи қурилмаларнинг сони рекорд даражада камайган бўлиб, бу ҳолат хомашё казиви олиш соҳасига таҳдид уйғотади.

Савдо урушлари ва турли мамлакатлар ҳукуматлари томонидан амалга оширилган кескин чора тадбирлар жаҳон иқтисодиётга 10 триллион АҚШ долларига тушди. Boston Consulting Group таҳлилий компаниясининг HSBC инвестициявий банки билан биргаликда қилган ҳисоб-китобига кўра, 2025 йилга бориб импорт қисқариши ҳисобига глобал ЯИМ ҳажми айнан шунчага камайиши мумкин.



## САВДО УРУШИ ҲАМ БАДАВЛАТРОҚ

Турли мамлакат ҳукуматлари маҳаллий ишлаб қилувчиларни ички бозорда қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро савдога ҳалал берувчи турли тўсиқ ва бож тўловларидан воз кечмаса, жаҳон иқтисодиётидаги кўп триллионли йўқотишлар янада ортиши мумкин. Айтиқса, коронавирус пандемияси оқибатида юзага келган ва давом этаётган инқироз таъсирида бу йўқотишлар сезиларли даражада бўлиши кутилмоқда.

Муаллифлар "Катта йигирматалик" давлатлари орасидаги савдо алоқаларини яхшилашга хизмат қилувчи икки хил сценарийни тузиб олишди. Биринчиси минимал чекловларга эга савдода юқори даражадаги эркинлик таъминланишини назарда тутса, иккинчиси – аксинча, келажакда бу чекловларни кучайтиришни ифодалайди.

Биринчи сценарийга амал қилинса, халқаро бозорга кириб келувчи маҳсулотларнинг умумий қиймати ҳар йили 2-2,6 фоиз пунктларида ошади, жаҳон ЯИМ кўрсаткичи эса 1,8-2,3 фоиз пунктларида ўзгаради. Иккинчи талқиндаги режа эса ташқи

савдо айланмаси ҳажми тўхтатилишини, шу билан бирга кейинги йилдан бошлаб глобал ЯИМ ҳажми ҳам ўсмай қолишини билдирди. Айти пайтда муаллифлар фақатгина маҳсулотлар бозорини ўрганиб, хизмат кўрсатиш бозоридаги ҳолатни ҳисобга олишмаган. Бу эса истиқболда юзага келиши мумкин бўлган зарарнинг ҳажми янада кўпроқ бўлиши мумкинлигини англатади.

Протекционистик чора-тадбирлардан воз кечилган тақдирда олинадиган ижобий самара 2025 йилга бориб 6,3 триллион АҚШ долларига етиши мумкин. Аксинча бу сиёсат сақланиб қолса ва кучайтирилса, кўриладиган зарар 4,9 триллион АҚШ долларига тўғри келиши мумкин. Таҳлилчилар коронавирус пандемияси шароитида эркин савдо алоҳида мамлакатларга ҳам, халқаро ҳамжамиятга ҳам фойда келтириши мумкин.

Салбий оқибатларнинг олдини олиш учун Жаҳон савдо ташкилоти сингари халқаро институтларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, протекционизмни ва унинг иқтисодиётдаги таъсири

камайтиришга хизмат қилувчи умумистеъмолдаги қондалар тўпламини тузиш, шунингдек электрон тижорат технологияларини босқичма-босқич жорий этиш зарур.

Маълумки, АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо уруши 2017 йил охирида, айрим Хитой маҳсулотларига нисбатан чекловчи божлар қўлланила бошланганида бошланган. Натижада Пекин жавоб чораларини жорий этди. Қарама-қаршилиқларга бошқа мамлакатлар, жумладан Европа Иттифоқи ҳам қўшилди. 2020 йил январь ойида АҚШ ва Хитой глобал келишувнинг биринчи фазасига имзо чекди ва шу билан бир қарашда савдо урушига чек қўйилиши керак эди.

Унга кўра, Хитой Америкадан сотиб оладиган маҳсулотларини, айтиқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириши назарда тутилган эди. Бироқ инқироз таъсирида глобал талабнинг кескин камайиши сабабли келишувнинг биринчи фазаси ижроси таъминланишида ва иккинчи фазага тайёргарлик кўриши ишларида узилиш пайдо бўлди.

Россия кунига олинаётган давлат қарзининг ҳажми бўйича рекорд натижани янгилади. Икки марта ўтказилган кимошди савдоси якунига кўра, Молия вазирлиги федерал қарз облигациялари (ФҚО) орқали деярли 346 миллиард рублни жалб эта олди. Бунга инвесторларга катта улушдаги чегирмалар тақдим этиш орқали эришди.



## РОССИЯ РЕКОРД ҲАЖМДАГИ ҚАРЗГА ЭГА БЎЛДИ

Биринчи кимошди савдоси доирасида Молия вазирлиги ўзгарувчи купонли даромадга эга облигацияларини 2030 йил сентябрда қоплаш шарти билан жойлаштирди. Вазирлик 316 331 миллиард рубль талаб этилган бўлса, 315,73 миллиард рублни жалб эта олди. Номиналдан қисқартирилган қиймат 95,239 фоизни ташкил этди.

Иккинчи кимошди савдосида Молия вазирлиги доимий купонли даромадга эга облигацияларини 2025 йил июлда қоплаш шарти билан жойлаштирди. Вазирлик 51,691 миллиард ўрнига 30 миллиард рублни жалб эта олди. Номиналдан қисқартирилган қиймат 96 981

фоизга етди. Урта ҳисобдаги даромад йилга 5,28 фоиз, қисқартирилган нарх бўйича даромад – 5,29 фоизга тўғри келди.

Тўртинчи чорақдаги илк кимошди савдоси кунинда Молия вазирлиги ўзлаштирилган режасининг 17,3 фоизини ФҚО орқали бажарди. Умумий ҳисобда вазирлик 2 триллион рублни жалб этиш ниятида.

Авалги рекорд натижа вазирлик томонидан 2020 йил сентябрда қайд этилган эди. Уша кун облигациялар орқали 215 миллиард рубдан кўпроқ қарзга эга бўлган эди. Уша пайтдаги талаб эса деярли 350 миллиард рублга тенг эди.

## ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИ АРХЕОЛОГИЯСИ

Ушбу сарлавҳани ўқиб Интернет археологияси ҳам бўладими, деб ҳайрон қолаётгандирсиз. Ажабланманг, бўлар экан. Чунки сайтлар турли сабабларга кўра йўқолади. Баъзан сайт эгаси уни ўчириб ташлайди ёки уни қўллашни тўхтатади ва бирон фурсатдан сўнг сервер эгаси уни шунчаки ўчиради.

Баъзан хостинг касодга учрайди ва барча сақланган сайтлари билан бирга йўқолади. 30-40 йил атрофидаги келажақ дунёга анча ноёб, аммо қизиқарли янги касб бериши мумкин. Бу тар-



моқ археологи, яъни ўлган сайтлардан маълумотларни излаб топиш ва чиқариб олиш мутахассислигидир. Аслида, ҳозир ҳам кўпгина компанияларда маҳоратли

"изловчилар", тармоқ серфинги бўйича мутахассислар ишлаб туришибди. Бир неча йил аввал эса интернет бўйича қидириш чемпионати – Яндекс Кубоги ўтказилган


эди. Тармоқ археологлари ушбу касбнинг алоҳида шохчаси бўладилар. Уларнинг вазифасига нафақат ўлик сайтларда ноёб маълумотларни топиш, балки хостинглар архиви билан ишлаш ҳам киради. Ахир, кўпгина сайтларга браузерга манзилни оддий териш йўли билан ёки ҳатто излаш тизимлари кэш орқали кириб бўлмайди, улар хостерлар серверида ўлик юк каби сақланиб ётибдилар.

Тармоқ археологияси тарих учун жиддий баҳс-лаб ҳодиса бўлиши мумкин. Кўплаб далиллар, маълумотлар, воқеалар Дунё тўри-

дан бошқа ҳеч жойда қайд этилмаган. Сийсий тўполонлар, таниқли кишиларга оид ҳодисалар, "қуннинг долзарб сувратлари", – буларнинг барчаси китоб ёхуд дарсликларда ўз аксини топмайди, бироқ интернет қаърида абадий қолади. Айнан мана шундай "қазилма ишлари" билан XX аср охири – XXI аср бошларидаги жаҳон тасвирининг тўлароқ аксини олиш мақсадида тармоқ археологлари шуғулланишни бошлашган.

Шундай қилиб, ҳатто алоҳида шохобчани тармоқ фольклори тадқиқотчилари таркиб топтириши мумкин. Бу эса шу соҳада янги касбларни пайдо қилади.

## ФАЗО ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?



Ер шаридан 118 чақирим баландликка кўтарилгандан сўнг, нарёғи чексиз коинот. Бу қадар аниқ рақамни 2009 йил канадалик олимлар топдилар. Атмосфера чегараси узоқ йиллардан бери баҳсу мунозара мавзуси бўлиб келаётган эди. Мунозараларга ҳар доим ҳавонинг сийрақлик даражаси асос қилиб олинган. Бироқ бу ўта ноаниқ кўрсаткич. Чунки юз чақирим баландликда ернинг ҳавоси ҳали тугамайди. Канадалик олимлар эса бошқа йўл тутдилар, улар чегарани атмосфера шамолларининг таъсири тугайдиган жойдан олдилар.

## ЭНГ БОЙ АЁЛЛАР

Forbes 2020 йилнинг энг бадавлат шахсларини эълон қилди. Рўйхатга 241 нафар аёл кирган. Энг ёш бадавлат инсонлар рўйхатида аёллар етакчилик қилмоқда. 22 ёшли модель Кайли Женнер энг ёш миллиардерга айланган. Унинг бойлиги 1,1 млрд. долларга тенг.

Аёл-миллиардерлар орасида биринчи ўринда Элис Уолтон – Walmart асосчиси Сэм Уолтоннинг ягона қизи. Унинг бойлиги ўтган йилгига нисбатан 10 млрд. долларга ошиб, 54,4 млрд. долларга етган.

Коронавирус пандемияси сабабли рўйхатдаги аёлларнинг ярмидан кўпининг даромадалари камайган. Германиянинг энг бой аёли Сюзанна Клаттен BMW акцияларининг нархи тушиб кетганлиги боис бир йил ичида 4 млрд. доллар йўқотди. Лекин пандемия сабабли баъзи бозорлар даромадлар ошди,



Саҳифани Шукур ЖАББОР тайёрлади

Ҳозирги кунда мамлакатимизда биткоин билан шуғулланаётган ёшлар салмоқли қисми ташкил қилади.



## БИТКОИН

Bitcoin – биткоин – олтиннинг электрон варианти. Ҳаётда олтинни топиш қанчалик қийин бўлса, биткоинни қазиб олиш (майнинг усулида) ҳам шунчалик мушкул. Чунки у мураккаб алгоритмлардан ташкил топган рақамли активдир. У баъзида криптовалюта (cryptocurrency) деб ҳам аталади. Чунки у криптография (кодлаш) маҳсулидир.

Биткоинни Сатоши Накамото лақабли аноним дастурчи ёки дастурчилар жамоаси яратган. Илк биткоин қазиб олиш (майнинг) 2009 йил 3 январда юз берган. Сатоши кейинчалик дастурнинг базавий коддини электрон почта орқали ўзига ўхшаган криптопанк дастурчиларга "open-source" (дастурга бемалол ўзгартириш киритиш, мукамаллаштириш имкони-ни бериш) сифатида тарқатиб юборган.

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки  
Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ  
Шукур ЖАББОР  
ОБУНА ВА РЕКЛАМА  
БЎЛИМИ РАҲБАРИ  
Ўктам АБДУЛЛАЕВ  
Тел: +998 90 0264090  
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18  
Нашр индекси-102.

МУАССИС:  
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧК

Ахборот кўмаги  
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧК  
www.finance.uz

Тахририят манзили:  
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.  
Осиё кўчаси 1а  
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,  
Чоп этишга тайёрловчи:  
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧК  
Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат бериллади. Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кuni чиқади. Буюртма № г 0434 А-1384 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 13.10.2020 й., 1 2 3 4 5 6